$z(t_q) = \dot{y}(t_q) - v_c \sin \beta$ бошланғич шартдан фойдаланиб C интеграл доимийсини топамиз:

$$C = \ln \frac{\sqrt{\frac{g}{K_n}} + z(t_q)}{\sqrt{\frac{g}{K_n}} - z(t_q)} - 2t_q \sqrt{gK_n}. \quad (16)$$

$z(t_q) = \dot{y}(t_q) - v_c \sin \beta$ тенгламага $\dot{y}(t_q)$ нинг (5) бўйича ифодасини қўямиз:

$$z(t_q) = \sqrt{\frac{g}{K_n}} \cdot \frac{Be^{2t_q \sqrt{gK_n}} - 1}{Be^{2t_q \sqrt{gK_n}} + 1} - v_c \sin \beta. \quad (17)$$

$z(t_q)$ нинг бу ифодасини (16) га қўйиб, ёзамиз:

$$C = \ln \frac{\left(2\sqrt{\frac{g}{K_n}} Be^{2t_q \sqrt{gK_n}} \right) : (Be^{2t_q \sqrt{gK_n}} + 1) - v_c \sin \beta}{2\sqrt{\frac{g}{K_n}} : (Be^{2t_q \sqrt{gK_n}} + 1) + v_c \sin \beta} - 2t_q \sqrt{gK_n}.$$

$$z(t_q) = \dot{y}(t_q) + v_c \sin \beta = \sqrt{\frac{g}{K_n}} \cdot \frac{Be^{2\sqrt{gK_n}t_q} - 1}{Be^{2\sqrt{gK_n}t_q} + 1} - v_c \sin \beta \text{ ифодани ҳисобга олсак,}$$

$$\dot{y} = \frac{\sqrt{\frac{g}{K_n}} (e^{2\sqrt{gK_n}t+C} - 1)}{e^{2\sqrt{gK_n}t+C} + 1} + v_c \sin \beta. \quad (18)$$


$$y(t_q) = \frac{1}{K_n} \ln \frac{Be^{2\sqrt{gK_n}t_q} + 1}{B + 1} - t_q \sqrt{\frac{g}{K_n}} \text{ бошланғич шартни ҳисобга олганда, (18) тенгламанинг}$$

ечими ёки заррачанинг y ўқи бўйича ҳаракати тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлади [7]:

$$y = \frac{1}{K_n} \ln (e^{2\sqrt{gK_n}t+C} + 1) - t \sqrt{\frac{g}{K_n}} - v_c t \sin \beta - C_1, \quad (19)$$

$$\text{бунда } C_1 = \frac{1}{K_n} \ln \frac{(e^{2\sqrt{gK_n}t_q+C} + 1)(B + 1)}{Be^{2\sqrt{gK_n}t_q} + 1} + v_c t_q \sin \beta.$$

(3,6) ва (15), (16) тенгламаларга махсар уруғи ва унинг таркибидаги бегона қўшилмаларни паруслик K_n коэффицентлари, v_0 , v_c тезликлар ва α , β бурчаклар қийматларини қўйиб аралашманинг сўриш худудига етгунча ва сўриш худудидagi ҳаракат траекториялари қурилди (2-расм). Бунда “●” белги 1-босқичнинг охири ва 2-босқичнинг бошига тўғри келувчи чегаравий нукта.



2-расм. Уруғ ва ундаги аралашмаларнинг таъминлагич жўвадан чиқиб сўриш ҳудудига етгунча ва сўриш ҳудудидаги ҳаракат траекториялари: 1 – уруғ; 2 – поя бўлаги; 3 – уруғ саватчаси; 4 – оқбош уруғи; 5 – енгил аралашмалар

Графиклардан кўриниб турибдики, 1-босқичда, яъни сўриш ҳудудига етгунча аралашма ажралиш жараёни кўзатилмайди, сўриш ҳудудида (2-босқич) аралашмадан махсар уруғи (1-траектория) ва енгил компонентлар (2 – 5 траекториялар) ажрала бошлайди; сўриш қувури учини координаталар бошига нисбатан $X=0.07$ м ва $y=0.06$ м масофаларда ўрнатилса таъминлагич жўвадан чиқаётган аралашма қувурга тўлиқ тушади. Ҳисоб-китоб натижаларидан машинанинг рационал геометрик параметрларини асослашда фойдаланиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

- [1] Каримов Ё., Каримов М. Махсар уруғининг физик-механик хоссаларини ўрганиш // Республика илмий-техник анжумани тўплами «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш муаммолари». Жиззах, 2014. Б. 326 – 329.
- [2] Астанакулов К., Каримов М. Кунгабоқар уруғининг физик-механик хоссалари // Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. “Амир Темур обод этган юрт”. 2016 йил 20 – 21 май. Қарши, 2016. Б. 29 – 30.
- [3] Астанакулов К. Соя ва унинг донининг физик-механик ҳамда ўримбоқлик хоссаларини аниқлаш // Агро Илм. Тошкент, 2018. Махсус сон. Б. 53 – 54.
- [4] Кожуховский И. Е. Зерноочистительные машины. М.: Машиностроение, 1974. – 200 с.
- [5] Патент №FAP 01127. Дон тозалаш машинами. Астанакулов К.Д., Каримов М.Р., Очилдиев О.Ш., Каримов Ё.З. Расмий ахборотнома. 2016. № 9.
- [6] Патент №FAP 01209. Уруғ тозалаш машинаси. Астанакулов К.Д., Каримов М.Р., Очилдиев О.Ш., Каримов Ё.З., Курбанов А.Ж. Расмий ахборотнома. 2017. № 7.
- [7] Камке Э. Справочник по обыкновенным дифференциальным уравнениям. М.: Наука, 1971. – 576 с.
- [8] Ляшко И.И., Боярчук А.К., Гай Я.Г., Головач Г.П. Справочное пособие по математическому анализу. Введение в анализ, производная, интеграл. Киев: Вища школа, 1984. – 456 с.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш
илмий-тадқиқот институти

04.04.2019
қабул қилинган

*М. Тошболтаев, М. Каримов. Исследование движения легких примесей машины для очистки семян
В статье исследовано движение зерновых примесей в технологическом процессе машины для очистки семян.*

*M. Toshboltaev, M. Rarimov. The Study of the moving the light admixtures of the machine for peelings the seeds
In article explored moving the corn admixtures in technological process of the machine for peelings the seeds.*

ХРОНИКА

ТОПГАНЛАРИМ ВА ТОПИНГАНЛАРИМ

(Академик Турсунбой Рашидов билан доцент Муҳаммад Раҳим мулоқоти)

Муҳаммад Раҳим: Домла, Сиз билан таваллудингизнинг муборак 85 ёшини ва илмий фаолиятингизнинг 60 йиллигини нишонлаш арафасида учрашиб турибмиз (Дарвоқе, Турсунбой Рашидов 1934 йил 27 майда Тошкент шаҳрида таваллуд топганлар). Бугун ҳаётда топганларингиз ва топинган гоёларингиз ҳақида суҳбатлашсак, фойдадан ҳоли бўлмас. Аввало, фаннинг жамиятда тутган ўрни ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдик?

Академик Турсунбой Рашидов: Марҳамат. Мен бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардимки, Президент Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг шахсан ташаббуси билан кекса авлод вакилларига, айниқса, академик олимларга юксак эътибор бераётганлиги ва улардан юқори натижали тадқиқотларни кутаётганлиги мени қувонтиради. Чунки, ҳеч қачон фансиз, илм-маърифатсиз жамият фаравонликка эришган эмас. Президентнинг Фармони билан Инновацион ривожланиш вазирлигининг ташкил этилиши шу эҳтиёждан келиб чиққан. Жамият учун академик фаннинг роли бекиёсдир.

Фанда интеллектуал кучлар салоҳияти билан муайян ечимлар ишлаб чиқилади, сўнгра у амалиётга татбиқ этилади. Агар олимнинг меҳнати қоғозда қолиб қетса, ишлаб чиқаришга жорий этилмаса, ундан юртга заррача наф йўқ. Фан – кишилар эҳтиёжларини қондирмоқдир. Фан шу талабга жавоб бермаса, у фан эмас. Фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси – бугунги эҳтиёж. Аслида фаннинг ўзи шу эҳтиёждан келиб чиққан. Ана шундай ёндашув илм-фан намоёндалари ва ишлаб чиқариш раҳбарлари фаолиятининг доимий мезони бўлиши керак. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш деган тушунча айнан шундай ёндашувдан келиб чиққан.

Мазкур талабларга жавоб бериш учун қўплаб омиллар – самарали тадқиқот юритишга шароит, ижодий муҳит, амалиёт ва назария уйғунлиги, устоз ҳамда шогирдлар ҳамкорлиги рисоладагидек бўлиши керак. Қолаверса, олимларнинг устивор вазифаси ўзининг соҳасида муайян янгилик яратиш ва малакали кадрлар тайёрлашдан иборат. Фан ўзининг янгилиги билан бошқа гоёлардан фарқ қилади. Фанда қонуният асосида илгари сурилган ҳар қандай гоёни қўллаб-қувватлаш керак. Унинг тўғри ёки нотўғрилигини амалиёт исботлайди. Бугун жамиятда ёшларга, уларнинг инновацион гоёларига эътибор берилаётганлигидан хурсандман. Майли, ёшлар ўз гоёсини ҳимоя қилсин – исботласин! Фан ворислик қонунияти асосида ривожланади. Бу қонуният бузилса, жамият ривожига салбий таъсир қилиши шубҳасиз.

М.Р.: Домла, Сиз таниқли механик олимсиз. Мутахассислигингиздан келиб чиқиб механика фанининг ўтмиши, бугунги долзарб муаммолари ва келажакдаги истиқболи ҳақида нима дейишингиз мумкин?

Т.Р.: Механика – қадимий фан. Агар аجدодларимиз механикани ўрганмаганида Миср эҳромларини, асрлар оша ўз кўрки ва салобатини сақлаб келаётган масжиду мадраса, сарой ва минораларни, равоқ ва тимларни кура олармиди?! Ўрта асрларда ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Беруний, Улуғбеклар механиканинг ривожига катта ҳисса қўшдилар. Биласизми, Беруний ва Улуғбек Макка шаҳрининг азимутини аниқлаган. Бу олимлар яшаган давр ўртасида беш юз йил фарқ қилсада, олинган натижа ярим градус фарқ қилади, холос! И.Ньютон коррупцияга қарши курашиб, Англияни ярим йилда инкироздан олиб чиққан. Бундай мисоллар кўп. Механика тарихи – алоҳида бир мавзу.

Мен ишлаётган даргоҳ 1947 йилда академик М.Ўрозбоев ташаббуси билан Ўзбекистон Фанлар академияси Иншоотлар институти сифатида ташкил этилган. Кейинчалик бу ерда механика йўналиши ривожлантирилиб, фан номзодлари ва докторларидан юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича ишлар кучайтирилди. Тошкент ва Самарқанд олий ўқув юртларида механика ҳамда қурилиш йўналишларида, хусусан, иншоотларнинг зилзилага бардошлилигини кучайтириш бўйича иш олиб боровчи кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилди. Ўзбекистон олимлари сейсмик мустаҳкамлик муаммоларини ишлаб чиқишда нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам катта ишларни амалга оширишди. Бу даргоҳда илк бор ер ости иншоотларининг сейсmodинамик назарияси, бино ҳамда иншоотларга сейсмик таъсирнинг физикавий баҳолари яратилди, шунингдек, эластик ва гидроэластик тизимлар, гидротехник иншоотлар назарияси ишлаб чиқилди. Бу каби натижалар жаҳонда антисейсмик фанда илғор тадқиқот сифатида эътироф этилди ва ҳаётга жорий қилинди.

Кейинги йилларда механика фанига, қолаверса механиканинг зилзилабардошлик масалаларига эътибор сусайган эди. Иншоотлар сейсmodинамикаси ва унинг натижаларидан зилзилабардош қурилиш амалиётида фойдаланиш, бинолар ва иншоотлар хавсизлиги, сейсмик йўқотишларни баҳолаш ва камайтириш, аҳолини бўлажак зилзилага тайёрлаш муаммоларини ўрганиш талаб даражасида эмас эди.

Шу маънода, Президент қарори билан илмий-тадқиқот масканимиз жаҳон эътирофини қозонган аввалги номда – Ўзбекистон Фанлар академияси М.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти деб аталиши барчамизни қувонтирди. Ушбу эътибор соҳа тажриба базаларини дунё андозаларига жавоб берадиган даражага чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Юқорида қайд

қилинган, эътибор сусайган йўналишларда кўп ишлашга тўғри келади, олимларимиз жидду жаҳд билан мамлакатимизга хизмат қилиши лозим, бунга ҳозирги кунда етарлича шароит яратилмоқда.

Механиканинг истиқболи ҳақида шуни айтиш мумкинки, олам ҳаракатда экан механика ҳам илгарилама ҳаракатланиб, жамиятнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб ривожланаверади. Албатта, ҳар бир давр ўз харақтеридан келиб чиқиб, ўзининг янги йўналишларини ва илмий мактабларини шакллантиради. Келажакда механиканинг янги йўналишларига асос соладиган иқтидорли ёшларнинг етишиб чиқишига чин дилдан ишонаман. Ўз вақтида мен соҳанинг уч мингдан ортиқ етакчи олимларини ва раҳбарларни тўплаб, Истамбулда механикларнинг Халқаро конференциясини ўтказган эдим. Бугун ҳам шундай анжуман ўтказиб, механиканинг долзарб муаммоларини муҳокама қилиш, устивор йўналишларни белгилаб олиш, жаҳон тажрибаси билан танишиш, истиқболли глобал лойиҳаларни ҳамкорликда ўрганиш зарурати пайдо бўлмоқда.

Президент Ш.М.Мирзиёев бошчилигида бугун Ўзбекистон бунёдкорлик ўлкасига айланган. Мамлакатимизнинг қайси бурчагига борманг, замонавий янги уй-жойларга, улуғвор иншоотларга гувоҳ бўласан, бунёдкорлик кўлами кенгайиб бормоқда. Табиийки, бундай улуғвор иншоотларнинг (жумладан, Давлат буюртмасига кўра иншоотларнинг) сейсмик мустаҳкамлигини илмий асослаб бериш институт зиммасига юксак масъулият юклайди. Институтимиз бу вазифани бажариши учун тадқиқотларнинг замонавий моддий-техник лабораторияларни ташкил этиб, бутун илмий салоҳиятини ишга солиб ишлаши лозим. Бир сўз билан айтганда, Ватан менга нима берди деб эмас, мен Ватанга нима бердим, деб ишлайдиган вақт келди!

М.Р.: *Энди, Сизнинг механик олим сифатида шаклланишингизда асосий роль ўйнаган омиллар – яъни, топганларингиз ва топинганларингиз ҳақида қисқача маълумот берсангиз?*

Т.Р.: Мен бахтли инсонман, шу маънодаки, ҳаётимда фақат донишманд инсонлар менга дуч келган. Бу бахтли тасодифми ёки ботинимдаги маънавий-руҳий заруриятми, билмайман. Топганларим шуки, мактабда Нагорничных, талабаликда доцент Шохайдарова, кейинчалик академиклар Аржаных ва Ўрозбоевлардан таълим олдим. Албатта, ҳаётимда нафақат донишманд, балки турли тоифа кишиларга дуч келганман, аммо улар умрим мазмунини белгилай олмаган. Топганларимнинг энг кадрлиси шуки, мен ҳаётим мазмунини белгилаб берган уч буюк алломадан – М.Ўрозбоев, А.Ильюшин ва Ҳ.Раҳматулиндан бир умр миннатдорман. Уларнинг сиймоси олдида ўзимни маънавий қарздордек ҳис этаман. Менинг механик олим сифатида шаклланишимда ва фанда эътироф этилишимда уларнинг ўрни бекиёс.

Ўзбекистонда замонавий механика фанининг ташкил топиши, янги йўналишларнинг вужудга келиши, юздан ортиқ фан номзодлари, докторлари, академикларнинг ижод қилишига ва ишлашига асос бўлиб хизмат қилган омил – «Механиклар учбурчаги»дир. Бу учбурчакнинг бир томони – Алексей Антонович Ильюшин, иккинчи томони – Ҳалил Аҳмедович Раҳматулин (аслида Раҳматуллаев) бўлса, учинчи томони эса – Муҳаммад Тошевич Ўрозбоевдир. Улар бир вақтда МГУ нинг Механика факультетида ўқиганлар ва умрининг сўнги дамларигача дўст бўлиб, ижодий ҳамкорлик қилганлар. Бугунги ўзбек механикасининг ривожига уларнинг ҳар бирининг ўз ўрни бор. Бу буюк «учбурчак»сиз ўзбек механикасини тасаввур қилиш кийин.

Менинг фанда биринчи устозим М.Т.Ўрозбоевдир. У кишининг фанимиз олдидаги хизматларини мухтасар айтганда, қуйидагича ифодалаш мумкин:

- Ўзбекистонда механика фанининг таниқли ташкилотчиси;
- Ўзбекистонда янги замонавий механика йўналишларининг асосчиси;
- сейсмик мустаҳкамликнинг динамик назарияси асосчиси (К.С.Завриев ва А.Г.Назаров билан биргаликда);

- Мамлакатимиз учун илмий-техник кадрлар тайёрлашнинг ҳомийси;
- Ўзбекистонда академик-механиклар сулоласини тарбиялаб етиштирган валиятарош аллома.

Топган устозларимнинг иккинчиси Алексей Антонович Ильюшиндир. Унинг фандаги янгиликларини қисқача қуйидагича ифодалаш мумкин:

- чексиз кичик эластик-пластик деформация назарияси;
- эластиклик назарияси;
- эластик-пластик жараёнлар назарияси;
- ёпишқоқ пластик оқим назарияси;
- иккинчи жаҳон урушида «снаряд етишмовчилиги» («снарядное голодание») муаммосини ҳал қилди (1941 йил ноябрь-декабрь);
- ракета-космик техниканинг (РКТ) мустаҳкамлигини таъминлашда ўз ғоялари билан фаол катнашди (водород бомбаси, ернинг биринчи сунъий йўлдоши).

А.А.Ильюшин яқиндан ҳамкорлик қилиб келган Дзержинский номидаги ҳарбий-инженерлик Академияси 1941-43 йилларда ўз фаолиятини Самарқанд шаҳрида давом қилдирди. Худди шу йилларда у Тошкентга, Самарқандга келиб-келиб «снаряд етишмовчилиги»ни ҳал қилиш учун мутахассислар билан суҳбатлашди, ўз ҳисоб-китобларини амалга оширди. Шу маънода, иккинчи жаҳон урушида «снаряд етишмовчилиги»ни ҳал этишда ўзбек олим ва инженерларининг ҳам ўз ўрни бор деб ўйлайман.

А.А.Ильюшин урушдан кейинги йилларда динамиканинг амалий муаммолари билан фаол шуғилланди. У 1969 йилнинг баҳорида ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон МУ) механика-математика факультети

4-босқич талабаларига «Ёпишқоқ эластиклик назарияси» бўйича маъруза ўқишга келади. Маъруза ўқиш билан бирга, айтилган пайтда Ўзбекистоннинг давлат ва партия раҳбарлари, Фанлар академиясининг масъул ходимлари, Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Хисоблаш марказли Кибернетика институти илмий ходимлари билан учрашувлар ўтказиб, фаннинг истиқболли йўналишлари бўйича режалар тузади. Айтилган, 1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги муаммоси билан жиддий шуғулланди. ЎЗР ФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти олимларига муаммони ҳал қилиш учун семинар ташкил этди.

Мен у пайтда институт директори лавозимида ишлардим. Хизмат сафари охирида қолганида менинг хонамда ўн бир кун мен билан ишлади, маслаҳатлар берди. Тажрибада олган натижаларимни, барча ҳисоб-китобларимни синчиқлаб кўриб чиқди ва охирига етказиш керак бўлган вазифаларни белгилаб берди. Мендан сенга бир хотира бўлсин, деб у мен билан шундай ишладик, ўша ўн бир кунлик сабоқлар бир умр тақдиримни белгилаб берди. Мен А.А.Ильюшиндек даҳони топаганимдан яратганга шукроналар айтаман.

Биз устоз билан шундай назария ишлаб чиқдик-ки, бу сейсמודинамик турғунлик назарияси ҳозирги кунда ерости иншоотлари ва конструкциялари мураккаб тизимининг сейсמודинамик ҳисоб-китобларининг асосини ташкил қилади. Шундан кейин механика фанида «Ерости иншоотларининг сейсמודинамикаси» тушунчаси муомилага киритилди. А.А.Ильюшин билан ҳамкорликда сейсמודинамик ҳисобларни моделлаштириш услубини яратдик.

Топаган устозларимнинг яна бири, юртдошим (у бир умр МГУда ишлади) – Ҳалил Аҳмедович Рахматулин дир. Менинг механик олим сифатида шаклланишимда унинг хизматлари катта. Биз ундан доим маслаҳатлар олиб турар эдик. У киши марказда ишлаб Ўзбекистонга миллий кадрларни етказиб беришда кўп ишлар қилди, айтилган, механика фанига салмоқли ҳисса қўшди, тўлқин назарияси бўйича қилган кашфиёти “Рахматулин тўлқинлари” номи билан жаҳонда эътироф этилди. Унинг механика фанига киритган янгиликлари мухтасар айтганда, қуйидагилар:

- парашют назариясини яратди ва уни синашнинг «Рахматулин пушқаси»ни ихтиро қилди;
- «қўндаланг зарба назарияси»ни ишлаб чиқди ва уни муҳофаа аэростатларида қўллади;
- биринчи бўлиб юксизланиш тўлқинларини – «Рахматулин тўлқинлари»ни кашф этди;
- ўзаро киришувчи кўпфазали муҳитлар ҳаракати назариясига асос солди;
- дунёда энг ноёб адиабатик қисмига асосланган газодинамик труба кашф қилди;

- ракета-космик техникани (РКТ) такомиллаштиришда С.П.Королев ва Кельдиш билан ҳамкорликда фаол қатнашди ва Кремлда дўппи қийган ўзбек ўғлини Марказком қотиби Н.С.Хрущёвни хайратга солди.

Бу устозимиз кўплаб давлат мукофотларидан ташқари, собиқ Иттифокнинг “Меҳнат қаҳрамони” унвонига сазавор бўлган эди. Бугун юқоридаги устоз олимларнинг илмий меросини ўрганиш ва ёш олимларга ибрат мактаби қилиб кўрсатиш хайрли ҳамда савоб ишдир.

Ҳамкор дўстлар ва шогирдлар ҳақида шуни айтиш мумкинки, бу борада ҳам мен омадли инсонман. Ўз соҳасининг етук билимдонлари, фидойи, меҳнатқаш, ҳалол, бегараз, ташкилотчи, ишга масъулият билан ёндашадиган, илмга ва устозга содиқ ёшларни атрофимга тўплай олганим – менинг топаганларимдир. Иш фаолиятида 50 дан ортиқ фан номзоди, фан доктори ва академикларни тайёрлаб етиштирдим. Шулардан баъзилари ҳақида фикр билдириб ўтсам: А.А.Ишонхўжаев, т.ф.д., профессор, фан ва техника соҳасида Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори. Бу олим билан Тошкент метросининг зилзилабардошлик муаммоларини биргаликда ҳал қилганмиз, содиқ дўст; Ғ.Х.Хожметов, т.ф.д., профессор, фан ва техника соҳасида Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори. Москвада ўқиган, тажрибалар ўтказишда ниҳоятда ташкилотчи ва натижа олишда самарадор олим; Ё.Н.Муборақов, т.ф.д., профессор, фан ва техника соҳасида Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори, академик. У деформацияланувчи қаттиқ жисмлар механикаси соҳасида таниқли олим, мен яратган “Мураккаб тармоқли ер ости иншоотларининг сейсמודинамик назарияси”ни ривожлантириб, қобиксимон ер ости иншоотларига тадбиқ қилди ҳамда “фазовий конструкцияли ер ости иншоотлари сейсמודинамик назарияси”га асос солди. 1991-1997 йилларда Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтига раҳбарлик қилди. Афсус, эрта кетди... Аммо, у фан ташкилотчиси, бағри кенг, қалби пок инсон ўз ҳаёти давомида фанда, дўстлари ва шогирдлари орасида унутилмас хотиралар қолдирди; Б.М.Мардонов, ф.-м.ф.д., профессор, фан ва техника соҳасида Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори. Москвада МГУни битирган, Ҳ.А.Рахматулин раҳбарлигида ишини ҳимоя қилган, мени устозим деб билади ва яқиндан ҳамкорлик қиламиз, хушчақчақ ва ўз соҳасининг билимдони; В.А.Омельяненко (Веденеева), т.ф.д., профессор, фан ва техника соҳасида Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори. Янги замонавий ҳисоблаш машиналарини дастурлаштириш бўйича етук мутахассис.

Шогирдларим орасида турли мамлакат ва миллат фуқарolari бор. Улар ўз мамлакатларида ва республикамизда самарали меҳнат қилмоқдалар. Масалан, И.Я.Дорман – т.ф.д., профессор, Россияда; Ш.М.Маматқулов – ф.-м.ф.д., профессор, А. Абдужабборов – т.ф.д., профессор, А.Х.Маткаримов – т.ф.н., доцент, М.Хазратқулов – т.ф.н., доцент, А.К.Қаюмов – т.ф.н., доцент, А.Юсупов – т.ф.н., доцент, В.А.Каримова – т.ф.н., Ўзбекистонда; Н.В.Фьонг Май – т.ф.н., Вьетнамда; Г.А.Харитуди – т.ф.н., Грецияда ишлайдилар.

Охирги бир йил ичида Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида ёш шогирдларимдан – М.К.Усаров, физика-математика фанлари бўйича фан доктори (DSc); Д.А.Бекмирзаев, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD); Н.А. Нишонов, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD); Е.В.Ан, физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация химоя қилдилар. Улар мен билан ҳамкорликда самарали тадқиқотлар олиб бормокдалар.

Куш икки қаноти билан парвоз қилганидек, менинг ютуқларим ҳам устозларим ва шогирдларим билан боғлиқдир. Ҳаётда нимадир топган бўлсам улар, қолаверса, ўз меҳнатим туфайлидир. Нафақат топганларим, балки, топинган ҳаётини принципларим – Ватанни севмок, халққа хизмат қилмок, фанда фидоийлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, оилани муқаддас билмок, шижоат ва камтарлик, маърифатпарварлик, талабчанлик ва меҳрибонлик ҳам устозлар ва шогирдлар туфайлидир.

М.Р.: *Механика – интеграл фан. Тадқиқот объекти – физика, тадқиқот услуби – математика, меҳнат қуроллари – техника, эришилган назарий хулоса – фалсафа. Механика ҳаракат ҳақидаги фан бўлганлиги учун ҳам фалсафа билан боғлиқ. Фалсафада ҳақиқатнинг объективлиги (ҳолислиги) ва конкретлиги (амалийлиги) масаласи мавжуд. Бугун фандаги бу муаммога сиз қандай қарайсиз?*

Т.Р.: Тўғри, механика – ҳаракат ҳақидаги фан. Шунинг учун ҳам у фалсафа билан боғлиқ. Аммо, механикани физик қонуниятларсиз, математик моделларсиз ва мураккаб техник қурилмаларсиз тасаввур қилиш қийин. Механика фанлараро муносабатларда иштирок этади ва унинг назарий хулосалари объектив ҳақиқатларга олиб боради. Механика нуктаи назаридан қараганда, ҳар қандай объектив ҳақиқат конкрет намоён бўлади. Назарий хулосалар, яъни абстракт тафаккуримиз конкрет далилларга асослангандагина муайян аҳамият касб этади. Акс ҳолда, биз қўлга киритган назарий хулосалар қадрият ҳисобланмайди ва ундан кишилар фойдаланмайдилар. Механика кишиларнинг кундалик эҳтиёжларидан келиб чиқувчи амалий масалаларни ўрганади ва шу жиҳати билан у конкретдир. Механиканинг конкретлиги назарий хулосаларнинг объективлигини инкор этмайди. Аксинча, объективлик (ҳолислик) ҳар қандай фаннинг ва ҳар қандай олимнинг тамал тоши – мезони бўлиши лозим.

Мустақиллик йилларида бозор муносабатларига ўтишимиз билан тадбиркорликка, тижоратга кенг йўл берилди. Натижада фанда ҳам “тадбиркорлар”, “тузжорлар” пайдо бўла бошлади. Тижорат фаннинг ривожига таъсир қилиш ўрнига, аксинча фан тижоратга айлана борди ва бу жараён иқтисодийетимизга салбий таъсир этиши шубҳасиз. Механиканинг амалийлигига устиворлик берилди-ю, ҳолислигига майян даражада путур етди.

Ҳозир бу масалаларга жиддий эътибор берилмокда. Фанлар академияси ва Олий таълим тизимидаги ислохотлар шунга қаратилган. Келажакда ҳақиқий иқтидорлар ўз ўрнини топиши шарт. Ҳолислик – олимнинг, нафақат олимнинг, балки ҳар қандай масъул раҳбарнинг виждони бўлиши керак деб ўйлайман. Бусиз на натижа, на тараққиёт бор!

М.Р.: *Домла, келажак ёшларники. Сиз меҳнат қилаётган ЎзР ФА М.Т.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида ҳам иқтидорли ёшлар талайгина. Устоз сифатида уларга айтадиган истақларингиз?*

Т.Р.: Юқорида қайд қилиб ўтган вазифаларни бажариш учун қилинадиган ишлар қўлами кенг. Аввало ишлаш, муайян натижага эришиш учун замонавий, янги жаҳон андозаларига мос келадиган асбоб-ускуналар зарур. Қолаверса, университетни аъло баҳога битказган, муҳандислик ишини яхши эгаллаган, иқтидорли ёшлар керак. Фанда кўп нарсаси кадрларнинг салоҳиятига боғлиқ. Бугун давлатимиз ёшларга ҳамма шароитларни яратиб бермокда. Ёшларимиз чет эл тажрибаларидан фойдаланиши лозим. Бунинг учун кам деганда она тилини, рус ва инглиз тилларини яхши билиши даркор. Фанда тайёр текис йўллар йўқ. Фан йўли машаққатли, сабрни талаб қилувчи йўлдир. Ёшлар сабр билан бу йўлни босиб ўтиши лозим. Натижа ҳам шунга яраша бўлади. Ёшлар ҳалол меҳнат қилишлари, ўзини ва оиласини ҳалол лўқма билан боқишни ўрганишлари керак. Боқимандалик психологиясидан қутилиши шарт. Албатта, ёшлар ҳаётда қандай инсонлар билан яқинлашиш кераклигини билса марра уларники. Билимдон, тажрибали инсонлар – ютуқлари гарови, нодон, жоҳиллар эса – умр заволи!

Яна ёшларимиз ўзимизнинг ўзбекона миллий қадриятларга риоя қилиши керак. Ота-онани, устозларни, кексаларни ҳурмат қилиши, улардан дуо олиши, маслаҳатлашиб иш қилиши, бирор ишга киришса жидду жаҳд билан киришиши, ўзини халқ ишидан олиб қочмаслиги ва олижаноб инсоний фазилатларга эга бўлиши лозим. Мени отам мактабдан кейин кечқурун масжидга боришга даъват этарди. Борардим. Мақсад: дунёвий билимлар билан чекланиб қолмасин, исломий билимларни ўзлаштириш асосида инсоний фазилатларга эга бўлсин деб ўйлаган. Уломаларнинг дуосини олдим, кам бўлмадим. Бугун ёшларимиз мутахассислигидан катъий назар, бўш вақт топиб бадий адабиёт ўқишлари ва санъат билан ошно бўлишлари лозим. Интернет – ўз йўлига, китобхонлик – бу юксак маънавият! Ёшлар маънавиятидаги муайян бўшлиқни фойдали маълумотлар билан тўлдириши зарур. Хуллас, ёшликда эгалланган илм улар учун келажак омили бўлиб хизмат қилади. Ёшлар бизнинг келажакимиз, улар менинг кўнглимда келажакка умид уйғотади!

М.Р.: *Домла, мазмунли ва самимий суҳбатингиз учун раҳмат. Сизга мустаҳкам соғлиқ, қўнғил хотиржамлиги ва руҳоният парвозини тилайман. Баркамол шогирдлар етиштириб, фанимиз ривожига устоз мақомида қолинг!*

**Суҳбатдош: Муҳаммад Раҳим,
доцент**

ДАВРА СУҲБАТИ

2019 йил 21 апрель куни Ёрмуҳаммад аканинг ўғиллари Алишердан кўнғирок бўлди. Ҳол аҳвол сўрашгандан кейин - “Абдусалом ака дадам ҳаёт бўлганларида эртага 75 ёшга тўлган бўлар эди, шу муносабат билан эртага бизнинг уйда тушлик пайтида дадамнинг касбдошлари билан бирга йиғилайлик” – деди. Телефонни қўйдиму кўз олдимдан ҳамма вақт юзидан нур ёғиб турадиган Ёрмуҳаммад аканинг узокдан қўлини узун чўзиб келиб, “Ҳай, Абдусалом қандайсан?” деб кўришишлари ва 1983 йил янги йил байрами кунидан бошлаб 1999 йил 18 ноябрь кунидек қайғули кунлар ва ундан кейинги Ёрмуҳаммад акаси, лекин у инсоннинг кўрсатмалари билан, Ёрмуҳаммад аканинг домлалари, касбдошлари ва шогирдлари орасида ўтаётган ҳаёт кўз олдимдан, бир ижобий, дилни ёритадиган, узлуксиз ҳужжатли фильм сингари ўта бошлади. Шу тариқа анча ўтириб қолибман, яна кўнғирок бўлди, бу сафар Ёрмуҳаммад аканинг биринчи шогирди, ҳозир бўлса институтимиз директори Хамидулла ака Сағдиев бўлиб, унинг кўрсатмалари билан эртага Алишернинг уйига қандай йиғилиб боришни келишиб олдик.

1983 йили бир учрашувда Ёрмуҳаммад ака мендан ҳол аҳвол сўраб, оилам, уй-жой аҳволларим, мақсадларим ва режаларим билан қизиқди, мен Тошкент Политехника институтини тамомлаганимни ва ҳозир Тошкент трактор заводида смена бошлиғи бўлиб ишлаётганимни, илм фанга, айниқса машина ва механизмлар назарияси фанига қизиқишим борлигини айтдим. Бир оз суҳбатдан кейин Ёрмуҳаммад ака менга ўзи директор муовини лавозимида ишлаётган Ўзбекистон Фанлар академиясидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтида академик Ҳалим Ҳайдарович Усмонхўжаевнинг раҳбарлигида “Машина ва механизмлар назарияси” лабораторияси борлигини, у лабораторияда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари тўғрисида маълумотлар берди. Институтга келиб у лаборатория раҳбарига учрашишимни ва лабораторияда бажарилаётган ишлар билан танишиб чиқишимни тавсия қилди ва кечиктирмасдан эртасига эрталаб келишимни айтиб, манзилни тушунтирди. Эртасига эрталаб механика институтига бордим, Ёрмуҳаммад ака бир оз суҳбатдан кейин мени “Машина ва механизмлар назарияси” лабораторияси ва лаборатория қошида янги ташкил бўлган Тилеубай Юлдашевич Оманов раҳбарлигидаги “Кўн ва пойафзал саноати машина ва аппаратлари” лабораторияси билан танишиб чиқишга юборди. Шу куннинг ўзида, эртасидан “Кўн ва пойафзал саноати машина ва аппаратлари” лабораториясига 2 - категория конструктор-муҳандис лавозимига ишга чиқишимни келишиб олдик.

2014 йилдан “Машина ва механизмлар назарияси” лабораторияси мудир лавозимида ишлар эканман машина ва механизмлар назарияси фанига тааллуқли бўлган, умумий валли машиналар ва уларнинг бажарувчи механизмлари назарияси, тишли-ричагли дифференциал узатиш механизмлари назарияси каби бир қатор йўналишларни ўз ичига олувчи, валли машиналар яратишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишга қаратилган 190 дан ортиқ илмий ишлар чоп этиш, жумладан: 1 та монография, 50 тага яқин халқаро илмий журнал ва илмий конференция тўпламларида чоп этилган мақолалар, 24 та ихтиро ва патентлар муаллифи бўлишга, ишчи валларининг ўқлараро масофаси ўзгарувчан бўлган ҳар хил типдаги валикли машиналар учун тишли-ричагли дифференциал узатиш механизмлари синфини яратишга ўхшаган илмий ютуқларга эга бўлишимга сабаб, Мубораков Ёрмуҳаммад аканинг 1983 йилдаги тавсиялари сабаб бўлган.

Шу узок 80-чи йилларда механика илми соҳасида иш бошлаган кўпчилик ёш мутахассислар механика институти раҳбарияти ва етук олимлари раҳбарлигида ҳозир мустақил Ўзбекистон Республикасидан ва хорижий мамлакатларда тан олинган олимларга айланган. Бу олимларнинг ҳаммаси ҳам ўз илмий ишларида ва эришган ютуқларида, фаол, изчил, сабоатли ва матонатли бўлиб ҳар қандай шароитларда ақл билан тадбир қўриб иш қиладиган камтарин, бағрикенг, адолатли инсон Ёрмуҳаммад аканинг ҳар томонлама ёрдамига муяссар бўлганлигини кўп марта таъкидлаганлигининг гувоҳи бўлганман, улар Ёрмуҳаммад акани эсласак қалбимизда илиқлик пайдо бўлади дейдилар.

22 апрель куни тушларга яқин Ёрмуҳаммад аканинг илмий раҳбари домламик академик Турсунбой Рашидович Рашидовнинг хоналарига йиғилдик. Тиниб-тинчимайдиган бу инсон ўз лабораторияси ходимларига вазибалар беришлари ва уларни текширишлари жараёнида Алишернинг уйига боришнинг ҳам тайёрлигини кўриб маслаҳатлар берар эди. Шу тариқа Ғоибназар Хожметов, Абдурахмон Эшонхўжаев, Зоҳиджон Тешабоев, Хамидулла Сағдиев, мен ва бошқалар академик Турсунбой Рашидович Рашидов раҳбарлигида Алишернинг уйига йўл олдик.

Етиб борганимизда Алишер ўз оиласи билан бизларни эшик олдида кутиб турган экан. Ёрмуҳаммад аканинг фарзандлари, неваралари, қариндош-уруғлари ва яқин ёру-биродарлари, куда-андалари унинг садоқатли умр йўлдоши Бувайшам келинонимизнинг бошчилигида бизларни узокдан бери кўрмай жуда соғинган дўстларидай кучоқ очиб, кутиб олишди. Хонага кириб ўтирдик, Ёрмуҳаммад ака ҳақларига қуръон тиловат қилдик. Дастурхонда чой устида ўтирар эканмиз, ҳамма Ёрмуҳаммад акамизни эслашиб, у инсоннинг илм фандаги қисқа вақт ичида эришган катта ютуқлари, олижаноб фазилатлари, қариндош-уруғларига ва халқига бўлган меҳр муҳаббатлари, меҳнатсеварлиги, касбдошлари, ишларига бўлган жонқуярликлари тўғрисида эсларига келган воқеаларни гапириб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, фан ва техника соҳасида Абу Райхон Беруний номидаги Давлат мукофоти ва Ўзбекистон Республикаси ёшлар иттифоқи мукофоти совриндори, техника фанлари доктори, профессор,

деформацияланувчи каттик жисмлар механикаси соҳасида етакчи олим, уйғур ва ўзбек халқининг буюк фарзанди Мубораков Ёрмуҳаммад Нуруповични кўзларига ёш олиб эслашди.

Жумладан Ёрмуҳаммад аканинг ҳамфикр дўсти профессор Абдурахмон Эшонхўжаев сўз бошлаб: “Ёрмуҳаммад Мубораков Тошкент Давлат Университети (ҳозирги ЎзМУ) битирувчи талабаси сифатида институтимизга диплом олди амалиётини ўтиш учун келиб, бизнинг метрополитен ва зилзилабардошлик бўйича ўтказиладиган илмий-тадқиқот ишларимизга қўшилиб кетди. Метрополитен ва зилзилабардошлик билан шуғулланувчи гуруҳ фаолияти билан бирга ишлар олиб бориб, кейинчалик шу иш давоми бўйича номзодлик диссертациясини ёқлади. 1975 йилда метрополитен ва зилзилабардошлик лабораторияси ташкил этилиши муносабати билан гуруҳ раҳбари сифатида ўз фаолиятини давом эттирди. Биз Ёрмуҳаммад билан ҳамфикр эдик. Мен унга раҳбарлик лавозимларда ишлаган пайтларда ҳам, кейинчалик у киши институт директори ва академик даражасига эришиб, мен унинг раҳбарлигида ишлаган даврларда ҳам ҳар қандай масалаларни ҳал этишда олдиндан келишиб олишимиз шарт эмас эди, чунки кўп масалаларда бизнинг фикрларимиз бир жойдан чиқиши аниқ эди. Ёрмуҳаммад Нурупович истедодли олим, садоқатли дўст, наъмунали оила бошлиғи, покиза инсон сифатида доим ёдимизда бўлади. Яратган унинг у дунёсини обод қилсин”, деб ўз сўзларини якунлар экан, Ёрмуҳаммад аканинг илмий раҳбари атоқли олим, академик Турсунбой Рашидович Рашидовга сўз берди. У ўз сўзида жумладан шундай деди: “Ёрмуҳаммад йирик мутахассис сифатида бизнинг институтимизда шаклланди ва танилди. Мудофаа соҳасидаги ишлари тегишли ташкилотлар эътиборини қозонди. Унинг кўплаб натижалари шу ерда олинди. У эълон қилинган, ўз йўналишига тўғри келадиган соҳа бўйича ЎзР ФАсининг академиги номзодлигига ҳужжатларини топширди. У оддий меҳнаткаш оиласидан чиққан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг йирик институтларидан бирининг директори, фан доктори, профессор академик қилиб сайланди. Унинг янги ҳаёти бошланган эди. Кўплаб инсонлардан ўз ёрдамини аямади. Техника соҳасида уйғурлардан чиққан биринчи академик бўлди. Биз Ёрмуҳаммад билан Урумчида бўлганимизда бу воқеани эшитиб уйғур халқи мамнуният билан мағрурланди. Афсус эрта кетди... Янги-янги муваффақиятларга эришиши, кўп инсонларга ёрдами тегиши мумкин эди”.

Профессор Ғоибназар Хадиевич Хожиметов ўз навбатида “Ёрмуҳаммадни инсонпарварлик режалари жуда кўп бўлган. Шулардан бири у ёшларга нафакат фан соҳасида илмий раҳбар бўлган, балки уларни раҳбарлик ишларига ўргатишда, сўзда ҳам амалда ўрнатқан бўлган. Ҳозирги вақтда давлатимиз миқёсида раҳбар бўлиб ишлаётган институтимиздан чиққан бир неча ходимларни мисол қилиб келтириш мумкин. Шунга асосан Ёрмуҳаммадни уларнинг устози деб ҳисоблайман. Афсуски умри қисқа экан, охираги обод бўлиб, Оллоҳ раҳматига олсин. Омин!”- деди.

Ёрмуҳаммад аканинг шогирдларидан бири, ҳозирги вақтда у киши ишларининг давомчиси, лаборатория мудури Зоҳиджон Тешабоев устозини хотирлаб деди: “Ёрмуҳаммад ака тўғрисида гапирганда уларнинг яна бир ажойиб ҳислатларини айтиб ўтиш лозим, яъни ҳаётда оддийлик. Улар хаттоки катта аллома, академик бўлганларида ҳам ходимлар билан мулоқотни ҳеч ўзгартирмаган эдилар. Ўша оддийлик, ўша соддалик, ўзгалар муоммоларини ҳал этишда шижоат ва тезкорлик, унинг яна бир ҳислатлари нозик ифодаланган фикрларни, айтилган латифаларни, чиройли сўз ўйинларини завқ билан тинглаши, улардан бир олам завқ олиши эди. Кулганларида кўзларидан ёш чиққунча завқланиб кулар, гапирганда барчани жалб эта олар, фикрларини содда ва тушунарли ифодалаш маҳоратлари бор эди”.

Ёрмуҳаммад аканинг шогирдларидан яна бири, ҳозирги вақтда институтимиз директори, Хамидулла Сағдиев у кишининг раҳбарлик қилишдаги жараёнларини эслаб: “Ёрмуҳаммад акани раҳбарлик қилиш усули ҳам жуда содда эди. Ундан жуда кўп нарсаларни ўрганганман. Ходимларнинг имкониятига қараб тўғри баҳолар, илмий ва илмий-ташқилий ишларни ташкил қилишда ҳолисона ёндашар, қоғозбозлик, бюрократияга йўл қўймас, ҳал қилиниши мумкин бўлган ишлар учун бекорга одамларни йиғиб вақтини олмай тезда ҳал қилар, кўпчилик қатнашиши шарт бўлган вазифаларнигина умумий йиғилишларга, махсус кенгашларга, шу масала учун мутасадди бўлган ёки қатнашиши шарт бўлган одамлар доирасига олиб чиқар эди. Ходимлар билан “дистанция” сақламас, ҳамма билан кадрдонлардек муомила қилар эди.”- деди.

Ёрмуҳаммад аканинг ёшлигидан бирга ўсган дўстларидан бири ҳозирда “Гидромехмонтаж” қўшма корхонаси Бош директори Марат Азатов дўстининг олий ҳислатларини эслаб: - “Ёрмуҳаммад дўстларига алоҳида меҳрибон эди. Дўстим ҳар томонлама кўп қиррали инсон бўлиб, илм фанда эришган ютуқлари билан бирга у Ўзбекистон радиосида дикторлик ҳам қиларди, мактаб вақтларидан бошлаб ашула айтар ва шеърлар ёзар эди. Шеърлари кенг тематикада бўлиб, воқеликни изҳор қилишга жуда уста ва топқир эди. Шеърларни ҳар хил тилларда ёзар эди. Дўстимнинг бевақт ўлими бизнинг уйғур миллати учун жуда катта йўқотиш бўлди....”, деди.

Ҳамманинг бу суҳбатни яна давом эттиргиси келиб турган бўлса ҳам, вақт ўз кучини кўрсатди, тушлик вақти тугамоқда эди. Дастурхонга дуо қилинди. Қуёрон ўқиб, Ёрмуҳаммад аканинг ҳақларига дуо қилиб, қолганларнинг омон бўлишини тилаб, мезбонлар билан ҳам, ҳар биримиз билан ҳам айрилгимиз келмасада, хайрлашиб, бир пайтлар улуг домлаимиз академик Ёрмуҳаммад аканинг раҳбарлигида ишлаган институтимизга қайтдик.

Техника фанлар номзоди, катта илмий ходим А. Абдукаримов.

МУНДАРИЖА

Т.Р. Рашидов, Б.М. Мардонов, И.М. Мирзаев. Эластик элементли бириккан чекли узунликдаги қувурга сейсмик тўлқинлар таъсири.....	3
Т.Р. Рашидов, Ш.С. Юлдашев, М.У. Карабаева, М.Б. Бойтемиров. Аҳоли ҳамда ишлаб чиқариш-фукаро биноларини транспорт воситаларидан ҳосил бўладиган вибрациядан ҳимоялаш масаласининг ҳолати.....	8
Р.Р. Рахматов, А.А. Рахманов. Говак муҳитдан нефтни сиқиб чиқариш жараёнини моделлаштириш учун кўп фазаги муҳитлар назариясини қўлланилиши.....	12
Т.К. Алламуратова, М.М. Муқимов, М.А. Мансурова. Икки игнадонли айлана оборотли тўқув машиналарида трикотаж матосини тортишга мулжалланган йўналтирувчи мослама конструкциясини такомиллаштириш ва параметрларини асослаш.....	16
Г.К. Аннакулова, Б.Ж. Астанов, С.А. Саидов, А.З. Юсупов. Юқори клиренсли портал трактори осма тизимини статик ҳисоблаш.....	19
Г.А. Баҳадиров, А.М. Набиев, М.У. Мусиров, З.А. Раҳимова. Исследование влияния вращающего момента валов на их углы захвата.....	23
Б.М. Мардонов, Х.С. Усманов, Ф.Н. Сирожиддинов. Вертикал жойлашган қозикли барабанлар таъсирида пахта хом ашёсини тозалаш жараёнини моделлаштириш.....	27
Д.М. Муҳаммадиев, Т.М. Қулиев, Б.Х. Примов. Тозалаш камерали аррали жин электродвигателини қувват сарфини тажрибавий тадқиқи.....	32
М. Тошболтаев, Б. Холиқов. Трактор поезди енгиб ўтадиган энг катта қиялик бурчагини аниқлаш.....	38
Р.Р. Худайкулиев, Н.Б. Джураева, Б.Ш. Примкулов. Ерга ишлов беришда кенг камровли культиваторнинг «таянч-юмшатувчи лапа» тизимидаги кўндаланг тебранишларни ҳисоблаш усули.....	42
Ш.Р. Хуррамов, Г.А. Баҳадиров, А. Абдукаримов. Юқори вали узатмасиз икки вали модулнинг контакт бурчаклари.....	47
М. Шоумарова, Т. Абдуллаев. Шпиндел ғалтаги юмаланиш радиусининг пахта териш даражасига таъсири.....	50
Х.С. Сағдиев, З.Р. Тешабоев, А.С. Ювмитов, В.А. Галиаскаров, Х.О. Шерниёзов, Б.Н. Мирзакабилов. Мактаб биноларини зизилабардош қурилиш меъёрий талабларига мослигини баҳолаш	53
А.И. Адилходжаев, С.С. Шаумаров, У.З. Шермухамедов. Энергиятежамкор фукаро биноларининг конструкцияларини иссиқлик ҳимоя материалларини мустаҳкамлик хоссалари.....	58
Б.А. Қушимов, К.А. Каримов, А.Х. Аҳмедов. Ташқи физик майдонлар ёрдамида қуришти жараёнини математик моделларини ишлаб чиқиш. 1 қисм.....	61
Р.Д. Матчанов, З.М. Маликов, А.И. Юлдашев. Пуркагичдан чиқаётган қимёвий модда томчиларининг ҳаракатларини математик моделлаштириш.....	65
М.Х. Миралимов, Ф.Ф. Адиллов, Р.А. Абиров. Габионлар билан мустаҳкамланган иншоотларнинг турғунлиги тадқиқоти.....	69

Илмий ахборотлар

Х. Байбулатов, Ж. Гайилов, М. Бердибаев. Фарғона вилояти ҳудудига жойлашган умумий фойдаланишдаги таъмирталаб кўприк иншоотларини кўриқдан ўтказиш натижалари.....	71
Х.Т. Аҳмедходжаев, Х.Исаханов, С. Режаббоев. Янги усулда толаси жинланмаган чигитларни ажратиш	75
О. Маматқулов, Н. Орипов, Р. Мурадов. Янги сепараторни ишлаб чиқариш жараёнига ўрнатиш ва синаш.....	78
У. Раҳманов. Грунт билан катта тезликдаги ўзаротаъсирда бўлган қувур кесими мувозанатининг йўқотилишидаги зўриқишини баҳолаш.....	82
Н. Ражапова, Е. Тадаева, Р. Мурадов. Пахтани тозалаш заводларида тола сифатини яхшилаш йўллари.....	85
Х.С. Сағдиев. Бино ва иншоотларни техник паспортларини ишлаб чиқиш учун услубий тавсиялар.....	90
Т. Рашидов, Ш. Таҳиров, Х. Сағдиев, Н. Нишонов. Иншоотлар зилзилабардошлигини таъминлаш бўйича жаҳон миқёсидаги бўлажак лаборатория ҳақида ва Ўзбекистон Республикасининг ушбу соҳадаги муаммоларни ечишга йўналтирилган тадқиқотларнинг янги имкониятлари.....	95
М. Саломова, Ф. Раҳимов, Х.Қосимов. Пневмотранспорт қурилмаси элементларини такомиллаштириш.....	101
А.С. Тожибоев, А. Парпиев, К.Ф. Чориев, К.Э. Шерназаров. Анализ вопроса сепарации хлопка-сырца.....	104
М. Тошболтаев, М. Каримов. Уруғ тозалаш машинасида енгил аралашмалар ҳаракатини тадқиқ этиш.....	111

Хроника

Топганларим ва топинганларим.....	116
Давра суҳбати.....	120

СОДЕРЖАНИЕ

Т.Р. Рашидов, Б.М. Мардонов, И.М. Мирзаев. Действие сейсмических волн на трубопровод конечной длины, сопряженный с узлами упругими элементами.....	3
Т.Р. Рашидов, Ш.С. Юлдашев, М.У. Карабаева, М.Б. Бойтемиров. Состояние вопроса защиты населения, промышленных и гражданских зданий от транспортных вибраций.....	8
Р.Р. Рахматов, А.А. Рахманов. Применение теории многофазных систем для моделирования процесса вытеснения нефти из пористой среды.....	12
Т.К. Алламуратова, М.М. Мукимов, М.А. Мансурова. Разработка конструкции и обоснование параметров направителя для отяжки полотна на двухфонтурных круглооборотных машинах..	16
Г.К. Аннакулова, Б.Ж. Астанов, С.А. Саидов, А.З. Юсупов. Статический расчет навесного оборудования высококлиренсного порталного трактора.....	19
Г.А. Бахадиров, А.М. Набиев, М.У. Мусиров, З.А. Рахимова. Исследование влияния вращающего момента валов на их углы захвата.....	23
Б.М. Мардонов, Х.С. Усманов, Ф.Н. Сирождидинов. Моделирование процесса очистки хлопка-сырца под действием вертикально расположенных колковых барабанов.....	27
Д.М. Мухаммадиев, Т.М. Кулиев, Б.Х. Примов. Экспериментальное исследование потребляемой мощности электродвигателя пыльного джина с шелушильной камерой.....	32
М. Тошболтаев, Б. Холиков. Определение максимального угла преодолеваемого подъема тракторным поездом.....	38
Р.Р. Худайкулиев, Н.Б. Джураева, Б.Ш. Примкулов. Методика численного решения поперечных колебаний системы «стойка-рыхлительная лапа» при обработке почвы широкозахватным культиватором.....	42
Ш.Р. Хуррамов, Г.А. Бахадиров, А. Абдукаримов. Углы контакта со свободным верхним валком двухвалкового модуля.....	47
М. Шоумарова, Т. Абдиллаев. Влияние радиуса шпиндельного ролика на полноту сбора хлопка-сырца	50
Х.С. Сагдиев, З.Р. Тешабоев, А.С. Ювмитов, В.А. Галиаскаров,	
Х.О. Шерниёзов, Б.Н. Мирзакабилов. Оценка соответствия школьных зданий нормам сейсмостойкого строительства.....	53
А.И. Адилходжаев, С.С. Шаумаров, У.З. Шермухамедов. О прочностных свойствах конструкционно-теплоизоляционных материалов для энергоэффективных гражданских зданий.....	58
Б.А. Кушимов, К.А. Каримов, А.Х. Ахмедов. Разработка математических моделей процесса сушки с помощью внешних физических полей (Часть 1)	61
Р.Д. Матчанов, З.М. Маликов, А.И. Юлдашев. Математическое моделирование кинематики капель химикатов при распылении опрыскивателем.....	65
М.Х. Миралимов, Ф.Ф. Адиллов, Р.А. Абиров. Исследования устойчивости дорог, укрепленных габионными конструкциями.....	69

Научные сообщения

Х. Байбулатов, Ж. Гайбиров, М. Бердибаев. Результаты диагностики мостовых сооружений, подлежащих ремонтно-восстановительным работам, на дорогах общего пользования Ферганской области....	71
Х.Т. Ахмедходжаев, Х. Исаханов, С. Режаббоев. О новом способе отделения недоджинированных семян	75
О. Маматкулов, Н. Орипов, Р. Мурадов. Внедрение нового сепаратора в производственный процесс и его испытание.....	78
У. Рахманов. Оценка усилий потери устойчивости трубопровода при скоростном взаимодействии с грунтом...	82
Н. Ражапова, Е. Тадаева, Р. Мурадов. Пути улучшения качества волокна на хлопкоочистительных заводах.....	85
Х.С. Сагдиев. Методическая рекомендация для разработки технических паспортов зданий и сооружений.....	90
Т. Рашидов, Ш. Тахиров, Х. Сагдиев, Н. Нишонов. Будущая лаборатория мирового уровня по сейсмостойкости сооружений и новые горизонты исследований, направленные на решение нужд Республики Узбекистан в этой области.....	95
М. Саломова, Ф. Рахимов, Х.Қосимов. Усовершенствование элементов устройства пневмотранспорта	101
А.С. Тожибоев, А. Парпиев, К.Ф. Чориев, К.Э. Шерназаров. Анализ вопроса сепарации хлопка-сырца.....	104
М. Тошболтаев, М. Каримов. Исследование движения легких примесей машины для очистки семян....	111

Хроника

Мои сопутствующие афоризмы.....	116
Круглый стол.....	120

Редактор: Н.А. Нишонов
Технический редактор: Е.В. Ан

Журнал зарегистрирован Агентством по печати и информации Республики Узбекистан 22.12.2006 г.
Регистрационный номер 0050.

Сдано в набор 09.04.2019. Подписано в печать 14.05.2019.
Формат 60×84 ¹/₈. Гарнитура Times New Roman. Ризография.
Усл.-печ. л. 14.41. Уч.-изд. л. 9.68. Тираж 100. Заказ № 609.
Цена договорная.

Отпечатано в Минитипографии АН РУз:
100047, г. Ташкент, ул. акад. Я. Гулямова, 70.